


XXI аср интеллектуал ёшлар асри

2019 йилнинг 29 март куни ЎзР ФА Шаркшунослик институтида Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида "XXI аср интеллектуал ёшлар асри" мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Конференция икки босқичда бўлиб ўтди. Биринчи босқич очилиш ва пленар (умумий) йиғилишдан иборат бўлди. Иккинчи босқичда илмий маърузалар тингланиб, учта шўъбалар:

1. “Физика-математика ва техника фанларининг долзарб муаммолари”,
2. “Табиий фанларнинг долзарб муаммолари”,
3. “Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари ҳақида мунозаралар ўтказилди.”

«Энг яхши маъруза», «Энг яхши мақола», «Энг яхши инновацион ғоя» кўрсаткичлари бўйича танлаб олинди ва ЎзР ФА ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг диплом, сертификат, қимматбаҳо совғалари билан тақдирларди.



Конференция сўнгида резолюция қабул қилинди